ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 894.375.092 Зафарий

УСМОНОВ ОЛИМ ДОНАЕВИЧ

# ҒУЛОМ ЗАФАРИЙНИНГ ИЖОДИЙ ЙЎЛИ

10.01.02 — Ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 1999

Тадқиқот Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг «XX аср ўзбек адабиёти» бўлимида бажарилган.

**Илмий раҳбар:**

Филология фанлари доктори, профессор Н. Ф. КАРИМОВ

**Расмий оппонентлар:**

Филология фанлари доктори, профессор Ҳ. АБДУСАМАТОВ

Филология фанлари номзоди, доцент Ш. РИЗАЕВ

**Етакчи муассаса:**

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институти.

Диссертация ҳимояси «6» октябрь 1999 йил соат 14[00] да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.01 рақамли фан доктори илмий даражасини бериш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Бирлашган ихтисослаштирилган кенгаш йиғилишида ўтказилади.

Манзил: Тошкент, 700170, И. Муминов кўчаси 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил: Тошкент, 700170, И. Муминов кўчаси 13-уй.

Автореферат 1999 йил «___» __________ да тарқатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш
илмий котиби,
филология фанлари доктори А. ЖАЛОЛОВ



## Тадқиқотнинг умумий тавсифи

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, халқимизнинг маданий меросини, жумладан, адабиётини ҳам қайта кўздан кечириш, ҳаққоний мезонларда баҳолаш эҳтиёжи туғилди. Ҳали мустабид тузум тўла мағлуб бўлмасиданоқ Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби шоир ва адиблар ижоди янгича назарда ўрганила бошлаган эди. Бугунги кунда XX аср ўзбек адабиёти тарихининг кемтик ўринларини тўлдириш, тор, чекланган «кўз қараш»лардан воз кечиб, янгича мезонларда иш олиб бориш кенг тус олмоқда. Аср бошларидаги шиддатли давр фарзандлари бўлган адабиётимиз намояндалари ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида бугунги кунгача бир қанча илмий тадқиқотлар[1] эълон қилингани бунинг ёрқин далилидир. И. Султон, М. Қўшжонов, С. Мамажонов, У. Норматов, Н. Каримов, Б. Қосимов, Э. Каримов, С. Мирвалиев, Н. Владимирова, Ҳ. Абдусаматов, Ш. Турдиев, Ш. Ризаев, С. Аҳмедов каби олимлар томонидан кўплаб эътиборга молик мақолалар эълон қилинди ва эълон қилинмоқда.

Шубҳасиз, 20-йиллар ўзбек адабиёти ҳақида тўла тасаввур ҳосил қилиш учун бир нечтагина йирик адиблар ижодини ўрганиш кифоя қилмайди. Бунинг учун аввало ўша давр адабий, ижтимоий муҳитини, ижодкорларга илҳом бағишлаган етакчи ғояларни, ушбу давр ҳаётида сезиларли из қолдирган барча адиблар ижодини ўрганмоқ лозим. Шу маънода жадид адабиётининг йирик намояндаларидан бири, шоир, драматург ва санъатшунос олим Ғулом Зафарийнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳам ўрганилишга лойиқдир. 20-йиллар адабиётини, хусусан, драматургиясини Ғулом Зафарий ижодисиз тасаввур этиш қийин. Адабиётимизнинг турли жанрларида ижод қилган бу адибнинг адабий ва илмий мероси бугунги кунгача етарли баҳоланмаган. Фитрат ва Чўлпон бошчилигидаги қайноқ адабий муҳитнинг фаол намояндаларидан бўлган Ғулом Зафарий ўз ижоди билан асримизнинг 10-20-йилларида халқимизнинг маънавий-ижтимоий ҳаётида сезиларли из қолдирган сиймолардан биридир. Шу жиҳатдан Ғулом Зафарий биографиясининг яратилганлиги, илмий ва бадиий ижодини монографик ҳолда таҳлил ва тадқиқ этилганлиги ишнинг долзарблигини белгилайди.

---

[1] Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. -Т.: Ёзувчи, 1991. -48 б.; Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. -Т.: Фан, 1991. -34 б.; Каримов Н. Усмон Носир. -Т.: Шарқ, 1993. -208 б.; Каримов Н. Усмон Носирнинг сўнгги кунлари. -Т.: Шарқ, 1993. -256 б.; Қўшжонов М. Қодирий-эрксизлик қурбони. -Т.: Фан, 1992. -40 б.; Алиев А. Фитрат. -Т.: Фан, 1991. -51 б.; Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. -Т.: Ёзувчи, 1996. -120 б.; Ризаев Ш. Жадид драмаси. -Т.: Шарқ, 1997. -320 б.; Эшонова З. Чўлпон шеъриятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. -Т.: 1991. -130 б.; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. Филол. фанлари номзоди... дисс. -Т.: 1993. -131 б.; Султонов У. Чўлпоннинг эстетик қарашлари. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. -Т.: 1995. -30 б.; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар танқидчилигида тутган ўрни. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. -Т.: 1995. -25 б.; Умурзоқов Ғ. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. -Т.: 1996. -26 б.; Қуронов Д. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида характерлар психологизми. Филол. фанлари номзоди... дисс. -Т.: 1992. -136 б.; Ғаниев И. Фитратнинг тарихий фожеа яратиш маҳорати. Филол. фанлари номзоди... дисс. -Т.: 1992. -146 б.; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. Филол. фанлари номзоди... дисс. автореф. -Т.: 1998. -26 б.;

муҳокамадан ўтказилиб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот мавзуси юзасидан бажарилган ишлар рўйхати ишга илова этилган.

**Тадқиқотнинг қурилиш тартиби.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Тадқиқстнинг асосий мазмуни**

Ишнинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, ўрганилиш тарихи, илмий ва амалий аҳамияти, мақсад ва вазифалари, тадқиқот манбаи, услубий асослари, жамоатчилик эътиборидан ўтиши, диссертациянинг қурилиш тартиби ҳақида маълумот берилади.

**Биринчи боб** «Туркистонда миллий уйғониш ҳаракати ва Ғулом Зафарийнинг адабий-ижтимоий фаолияти» деб номланади. Бобда асосий эътибор Ғулом Зафарийнинг ҳаёти, жадидчилик ҳаракатига келиб қўшилиши, адабий-ижтимоий фаолиятига қаратилган.

XIX аср охири - XX аср бошларига келиб, Туркистон халқларининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юзага ташлана бошлади. Халқ орасидан етишиб чиққан бир гуруҳ маърифатпарвар зиёлилар ислоҳ қилинган, янгича усулдаги мактабларни очдилар. Ўқув дастурига диний илмлар билан бирга бир қатор дунёвий фанларни ҳам киритдилар.

Асримизнинг 10-йилларидан бошлаб маърифатпарварлар доираси шиддат билан кенгая борди, янги-янги газета ва журналлар пайдо бўлиб, маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар самара бера бошлади. Бу ўзгаришларнинг самараларидан бири Оврўпо усулидаги янги театрнинг вужудга келишидир. Театрнинг ҳам, матбуот ва янги усулдаги мактабларнинг ҳам руҳи бир хилда эди. Уларнинг бариси маърифатпарварлик, илм ва фанда Оврўпо мамлакатларига етиб олиш, дунёқарашнинг қотиб қолган шаклларидан воз кечиш, хурофот ва жаҳолатга қарши кураш ғоялари билан суғорилган эди.

Ўз-ўзидан «Хўп, бу ғоялар нима сабабдан ва қаердан пайдо бўлди?» - деган савол туғилади.

Маълумки, сўнгги асрларда Шарқ халқлари тараққиётдан орқада қолиб кетдилар. Оврўпо мамлакатларида илму фан ва саноат гуркираб ривожланаётган бир даврда Шарқ халқлари хурофот ва жаҳолат ботқоғига ботдилар. Оврўпода кўтарилиш, юксалиш, Шарқда эса тушкунлик ва тубанлашиш рўй берди. Натижада Шарқ халқлари бирин-кетин Оврўпо давлатларининг мустамлакаларига айланди. Бу табиий ҳол эди. Зеро, юртида илму маърифат оловлари сўна бошлаган, онгини хурофот ва жаҳолат эгаллаб олган халқлар шундай қисматга маҳкумдир. Лекин бу ҳолнинг узоқ давом этиши ҳам мумкин эмас эди, чунки тарихда не-не салтанатларни юзага келтирган, дунёга машҳур мутафаккирларни етиштириб берган Шарқ халқлари, хусусан туркий халқлар бундай қисмат билан асло келиша олмасдилар. Шунинг учун халқ орасидан Ватан тақдири ҳақида қайғурадиган, унинг нима сабабдан бундай қолоқликка тушиб қолганлигини тушунишга ҳаракат қиладиган, уни қулликдан ва жаҳолатдан қутқариш учун курашадиган фидойи инсонлар етишиб чиқди. Ана шундай улуғ инсонлардан бири татар



турклардан бўлган боғчасаройлик Исмоил Ғаспрали эди. Шарқ ва Ғарб таълимини олган Исмоил Ғаспрали миллатни қулликдан озод этиш ва ривожланган халқлар қаторига қўшиш учун биринчи ва асосий вазифа уни маърифат билан баҳраманд этиш, деб билди.

Исмоил Ғаспралининг ҳаракатлари беҳуда кетмади. У эккан эзгулик уруғлари тезда ўз меваларини бера бошлади. Русия тасарруфидаги барча мусулмон ўлкаларида унинг издошлари пайдо бўлди. Исмоил Ғаспрали ғоялари Туркистон зиёлиларига ҳам кучли таъсир кўрсатди. Чунки бу ўлкада Фурқат ва Муқимий каби маърифатпарвар шоирларнинг хурофот ва жаҳолатни танқид қилиб, Оврўпо илм-фани ва маданиятини тарғиб этган асарлари, Аҳмад Донишнинг саёҳатномалари Ғаспрали ғояларининг униб-ўсиши учун қулай замин ҳозирлаган эди. Шу туфайли халқ орасидан асримиз бошларида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Фитрат, Саидаҳмад Сиддиқий, Абдулла Авлоний каби кўплаб маърифатпарварлар етишиб чиқди. «Бунда Исмоилбек Ғаспралининг 1908 йил Туркистон ва Бухорода бўлиши, бу ерларда Маҳмудхўжа Беҳбудий, А. Шакурий каби илғор маорифчилар билан кўришиб, маҳаллий ўзбек, тожик, татар болалари учун товуш усулига асосланган янги замонавий жадид мактаблари очиш ҳақидаги ташвиқот ва тарғиботлари ҳам муҳим роль ўйнади».[1]

И. Ғаспралининг билвосита шогирдларидан бири Ғулом Зафарий эди. У бутун умри давомида Исмоил Ғаспрали каби буюк маърифатпарвар инсонлар васият қилган амалларни бажарди, улар йўлидан борди.

Ғулом Зафарий 1889 йили Тошкентнинг Каттабоғ маҳалласида дунёга келди. Оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун ота-онаси ёш Ғуломнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратади. Уни аввал эски мактабга ўқишга беришади, сўнгра рус-тузем мактабини битириб, Тошкентдаги Хўжа Аҳмад мадрасасида таҳсил кўради. 1912 йилдан бошлаб Ўш шаҳрида янги усул мактабларида ўқитувчилик қилади. 1913 йилда яна Тошкентга қайтиб келади.

Ғулом Зафарий адабий-ижтимоий фаолиятини Туркистонда жадидчилик ҳаракатини кенг томир отa бошлаган шиддатли бир даврда бошлади. Ўз даврининг етук зиёлилари билан яқиндан танишлиги, Боғчасаройда чиқадиган «Таржумон», Уфада нашр этилган «Вақт» газеталари, шунингдек, Туркистонда янги пайдо бўла бошлаган маҳаллий нашрлардаги маърифий-инқилобий руҳдаги асарлар билан мунтазам танишиб бориши, унда миллат ва ватанга муҳаббат, унинг аччиқ қисматига қайғуриш, унинг учун курашиш туйғуларини уйғотди.

1913 йил охирларида А. Авлоний томонидан ташкил этилган «Турон» труппасига аъзо бўлди.[2] Шу вақтдан бошлаб унинг ҳаёти ва ижоди театр билан мангу боғланиб қолди.

Асримизнинг 10-йилларида озарбайжон театри Туркистонга бир неча маротаба гастролга келди. Тили, дини бир, урф-одати яқин бўлган озар

[1] Турдиев Ш. Исмоил Ғаспрали ва Туркистон // Йилдыз. -1991. -№2. -Б.13-14.
[2] Бу ҳақда қаранг: Ризаев Ш. Жадид драмаси. -Т.: Шарқ, 1997. -Б. 60-71.

халқининг қалби ва руҳи акс этган бу асарлар ўзбек халқи ўртасида кенг шуҳрат қозонди. Айниқса, мусиқали драмалар халқининг самимий муҳаббатига сазовор бўлди. Табиатан мусиқага мойил бўлган Ғулом Зафарийда ҳам бу асарлар билан танишиш, озарбайжон режиссёрлари билан ҳамкорликда ишлаш иштиёқи туғилди. Унинг кейинроқ яратилган кўплаб кичик мусиқали асарлари, машҳур «Ҳалима» драмасининг майдонга келишида озарбайжон театри намойиш этган спектаклларнинг ҳам таъсири бор.

«Турон» театр труппасида иштирок этиш Ғулом Зафарий учун бир мактаб бўлди. Адиб бу ерда фақат театр «сир»ларинигина ўрганиб қолмасдан, жадидчилик ғоялари билан ҳам чуқурроқ танишди, унинг етакчи намояндалари билан яқин ижодий алоқада бўлди.

Шу жараёнда унинг сиёсий билими, дунёқараши ўсиб борди, ўз халқининг ижтимоий қолоқлиги, тараққиётдан ортда қолганлиги сабабларини тушунди. Бунинг асосий сабаби миллатнинг хасталиги, унинг жаҳолат ва хурофот исканжасида қолиб кетганлигида, деб билди. Миллатни бу бўҳрондан қутқаришнинг ягона йўли унинг қалбида сўниб бораётган ватанпарварлик, ҳуррият ва маърифат туйғуларини оловлантирмоқ, ўзлигини англатмоқ лозим эканлигини тушунди. Бунинг учун миллатни тараққиёт сари тўғри етаклаб бора оладиган илғор ғоялар ва бу ғояларни халқ орасида ёйидиган, амалга оширадиган фидойилар зарур эди. Ғулом Зафарий бутун умрини мана шу олижаноб ғояга - халқини озод ва бахтиёр ҳолда кўриш учун кураш йўлига бахшида этди. Унинг 1914 йилдан бошлаб «Ойна», «Садои Фарғона», «Ал-ислоҳ» каби нашрларда эълон қилинган шеър ва мақолалари бир замонлар бутун дунёга маърифат нурини таратган Туркистон элининг сўнгги даврларда мислсиз жаҳолат ва хурофот ботқоғига ботганлигидан куйиниш, халқни илм-маърифатга даъват этиш руҳида бўлиб, асосан маърифий-ташвиқий характерга эгадир.

1917 йилгача бўлган даврда кўплаб жадидлар сингари Ғулом Зафарийнинг ҳам фаолияти маърифатпарварлик доирасида кечган бўлса-да бу бўлажак сиёсий курашлар учун тайёргарлик, тажриба босқичи эди. Жадидлар фақат мактаб, матбуот ва театр, яъни маърифатпарварлик фаолияти билангина чекланиб қолмадилар, балки уларнинг ҳаракати моҳиятан ижтимоий-сиёсий тус олди, асл мақсади миллий мустақилликка эришиш ва Туркистонни тараққий этган илғор давлатлар қаторига қўшиш сари йўналди.

Ўша даврда М.Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари жадидларнинг Мухториятни олқишлаб ёзган шеър ва мақолалари бунга мисол бўла олади. Ғулом Зафарий ҳам бу даврда сиёсий ҳаётда фаол иштирок этди. Айниқса, унинг «Ишчилар дунёси» журналидаги фаолияти эътиборга сазовордир.

Ғулом Зафарий «Ишчилар дунёси» журналида эълон қилинган кўтаринки руҳдаги, ватанпарварлик, миллатга муҳаббат туйғулари билан тўлиб тошган, озодликни улуғловчи шеърларида миллатни ўзлигини англашга, ватан учун буюк курашга отланишга чорлайди, миллий озодликка эришиш учун вақт етиб келди, деб бонг уради, «Тарихга боқинг: ким эдик биз(л)ар, Амир Темур каби улуғ аждодларимизга муносиб фарзанд бўлайлик», деб хитоб қилади.



Туркистон Мухториятининг ҳалокатга учраши барча миллатпарварларни чуқур қайғуга солди. Шоир ва ёзувчи асарларида бир муддат тушкунлик ва умидсизлик оҳанглари ҳукмронлик қилди. Ғулом Зафарийнинг «Ишчилар дунёси» журнали 5-сонида босилган шеърида ана шундай ватан ва миллат тақдиридан хавотирланиш туйғуси ифодаланади.

Чексиз ҳасрат ва қайғу билан ёзилган «Даъват» шеърида Ғулом Зафарий «иттифоқ нима эканлигини билмаган, ёлғиз манфаати шахсияси йўлида бир-бирини еб-ичган мансабпараст, дунёпараст ва шуҳратпараст муттаҳамлар»нинг урчиб кетганлиги туфайли Туркистон ўлкаси мана шундай хор ва залил аҳволга тушганлигини надоматлар билан баён қилади, Яратгандан бу халққа ҳам ёруғ кунлар ҳадя этишини сўрайди:

Не учун исломи ё раб етмайдирсан додина,
Инсон авлодини золим айладинг ўз додина,
Боқмаюрлар бир-бирининг додина-фарёдина,
Барири оҳим кўтарсам бу жаҳон айвонина,
Ким кўринсун барқи оҳим шоҳина-хоқонина.

Ғулом Зафарий ва бошқа Мухториятчиларнинг Туркистон Мухторияти давридаги фаолияти шўро ҳукуматининг назаридан четда қолмади.

Дастлаб, турли мантиқсиз баҳоналар билан, кейинчалик ёппасига миллатнинг гули бўлган зиёлиларни, асл миллатпарвар инсонларни «халқ душмани» тамғаси остида йўқотишга киришилди. Ғулом Зафарий ҳам бундай қисматдан четда қолмади. 1932 йилдаёқ у «давлат маблағини ғоявий жиҳатдан шубҳали бўлган асарларга сарфлагани учун аксилинқилобий фаолиятда айбланиб, ҳибсга олинди ва Жанубий Сибирга сургун қилинди».[1]

Шўролар ҳукумати миллий зиёлиларга қарши курашда ўта маккорона сиёсат олиб бориб, «сопини ўзидан чиқариш» йўлини тутди. Илғор зиёлилар ўртасига нифоқ солиб, бир-бирига қарши қўймоққа ва шу тариқа уларни сафдан чиқармоққа уринди. Унинг бу манфур режаси қисман иш берса-да, асл миллатпарвар зиёлилар ўз йўлларидан чекинмадилар. Бундай содиқ инсонлар Ғулом Зафарий сургунда юрганда ҳам уни унутмадилар, унга ва оиласига моддий, маънавий ёрдам бериб турдилар.

«Бир маҳаллада бўлганимиз учун,- деб ёзади шоирнинг қизи Сиддиқа Ғуломия,- меҳмонлар келишганда, отамнинг топширигига кўра, А. Қодирийни уйимизга тез-тез айтиб келар эдим. Улар қадрдон дўст эди. Отам композитор Успенский билан ҳам ғоят иноқ эдилар».[2] Ғулом Зафарийнинг Фитрат ва Чўлпон билан дўстлиги унинг ҳаёти ва ижодига катта таъсир кўрсатган. Бу икки улуғ сиймо ҳам ўз навбатида Ғулом Зафарийни моҳир драматург, ўзбек маданиятининг жонкуяри, маслакдош инсон сифатида жуда ҳурмат қилганлар. Шунинг учун бўлса керак, Ғулом Зафарий Фитрат атрофида уюшган қайноқ адабий муҳитнинг энг фаол аъзоларидан эди. Унинг барча асарларида бу муҳитнинг таъсири сезилиб туради.

---
[1] Каримов Н. Ғулом Зафарий // Гулистон. -1996. -№ 4. -Б. 55-56.
[2] Қаранг: Имомов Б. Ғулом Зафарий шоир ва драматург // Шарқ Юлдузи. -1981. -№ 11. - Б. 212-213.

Ғулом Зафарий Сибир аёзларини ҳам енгиб, 1935 йилда ўз юртига қайтиб келади. Аммо уни олдинда Сибир совугидан-да даҳшатли кўргилик кутиб турар эди. Бутун умрини халқининг озодлиги, бахт-саодати учун фидо қилган адиб 1937 йилда «халқ душмани» деб эълон қилинади ва отувга ҳукм этилади.

Асримиз бошларида Туркистондаги ижтимоий-сиёсий вазият ва Ғулом Зафарий адабий-ижтимоий фаолиятининг айрим характерли жиҳатларини ёритиш бўйича олиб борган кузатишларимиздан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин.

1.Ғулом Зафарий бевосита жадидчилик гояларидан илҳомланган ҳолда ижод қилди, унинг барча асарлари шу ғоялар билан тўйинди.

2. Адиб қайси мавзуда, қайси жанрда ижод қилмасин, уларнинг барчасида Туркистонни маърифатли ва озод жамият ҳолида кўриш орзуси унинг ижодидан қизил ип бўлиб ўтади.

3. Ғулом Зафарий Туркистон Мухторияти даврида ўзини миллий озодлик йўлидаги толмас курашчи, фидойи тарғиботчи сифатида намоён қилди. У нафақат ўз асарларида Мухториятни тарғиб қилди, балки ўша даврдаги мустамлакачиликка қарши қаратилган турли намойишларда, оммавий ҳаракатларида шахсан иштирок этди.

4. Ғулом Зафарийнинг Мухториятга муносабатидан, унга оид шеър ва мақолаларидан мазкур маърифатли шахснинг маънавий олами ижтимоий фонда ойдинлашади.

5. Ғулом Зафарий доимо шўро тузумига мухолифатда бўлди ва шу сабабдан унинг «қора рўйхати»га тушди.

6. Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Маннон Уйғур сингари кўплаб етук ижодкорлар билан бирга яқин мулоқотда бўлиш, бир маслак йўлида курашиш Ғулом Зафарий истеъдодининг ёрқин намоён бўлишида катта рол ўйнади.

7. Ғулом Зафарий ҳаёти ва адабий фаолияти синчиклаб текширилса, XX аср ўзбек адабиёти ва санъатининг юқорида номлари саналган арбоблари сафидан унинг ҳам ўрин олишга лойиқ эканлиги аён бўлади.

**Диссертациянинг иккинчи боби «Ғулом Зафарийнинг драматик ижоди» деб номланган. Унда биз Ғулом Зафарийнинг драматургияга кириб келиши, кичик саҳна асарлари ва «Ҳалима» драмаси ҳақида батафсил тўхталиб ўтдик.**

**Асримизнинг 10-йилларида халқимиз маданий ҳаётида Оврўпо усулидаги янги театр пайдо бўлди. Ўзбек адабиётида драма жанри вужудга келди ва у қисқа муддатда адабиётимизнинг етакчи жанрларидан бирига айланди. Ўзбек халқи бу санъатни жуда катта қизиқиш билан кутиб олди. Театр халқ онгига таъсир этувчи кудратли қуроллардан бири эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун бўлса керак, ўша даврнинг таниқли адиблари орасида драматургия жанрига мурожаат этмаганлари кам учрайди. Театр санъати ўз жозибаси билан энг аввало тараққийпарвар зиёлиларни, ёшларни мафтун**



этган эди. Театрга бундай қизиқиш туфайли Беҳбудийнинг «Падаркуш» асаридан сўнг унинг таъсирида бирин-кетин янги драмалар яратила бошланди.

Ўзбек халқини театрга ошно этишда Ғулом Зафарийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Б.А. Пестовский «Ўзбек театри тарихи» мақоласида қуйидагиларни ёзади: «Зафарий ўртоқнинг саҳна оламига ва умуман санъат ва адабиёт дунёсига ихлоси буюк бўлгонлиқдан яхшигина тажрибалар ва самаралик хизматлар кўрсатди».[1] Дарҳақиқат, Ғулом Зафарийнинг театрга бўлган муҳаббати айрича эди. У халқ театрининг энг яхши анъаналарини замонавий театрда қўллаш, миллий санъатимизнинг турфа уфори билан тўйинган, халқ руҳига яқин бўлган чинакам миллий драматик асарлар яратиш орзуси билан ёнар эди. Б.А. Пестовскийнинг ёзишича, Ғулом Зафарий ҳам ўз замонасининг бир қатор бошловчи ижодкорларига ўхшаб, Беҳбудийнинг «Падаркуш» асаридан таъсирланиб, 1915 йилда «Бахтсиз шогирд» деган драма ёзади. Аммо пьеса нашр қилинмаган.

Туркистон Мухторияти тугатилганидан сўнг, бошқа барча жадидлар сингари, Ғулом Зафарий ҳам элни маърифат нури билан баҳраманд этишга, халқ онгида қотиб қолган, унинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган урф-одатларини ислоҳ қилишга жидду жаҳд билан киришди. Бу ишни аввало болалар тарбиясидан бошламоқ, уларнинг соф қалбига ватанпарварлик, келажакка ишонч, эзгулик ва маърифатпарварлик туйғулари жо қилмоқ лозим эди. Бу эзгу орзуларини амалга оширишда замонавий театрнинг роли беқиёс эканлигини сезган Ғулом Зафарий болалар ва ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган, замон руҳидаги, ахлоқий-ташвиқий харектердаги кичик саҳна асарларини ёзишга киришди ва ўзбек адабиётида болалар драматургиясига тамал тошини қўйди.

Драматургнинг 20-йиллар миёнасида ёзилган «Баҳор», «Гунафша», «Тилак», «Тўсқинчилик», «Раҳимлик шогирд», «Мозорликда», «Қуён», «Татимбой ота», «Эрк болалари», «Туйгуной» каби асарлари шу мақсадда яратилган. Бу асарлар дастлаб ҳаваскорлар саҳналарида, кейинроқ профессионал театр саҳналарида намойиш қилинди. 1919 йилда ёзилган «Баҳор» пьесасида драматург ўзи орзу этган идеал жамиятнинг бахтиёр болалари ҳаётини романтик тарзда тасвир этади. У табиат қўйнидаги болаларнинг шод ва хуррамлиги, ўйин-кулгиларини тасвирлар экан, янги фасл-баҳор билан янги авлод болалари ўртасидаги уйғунликни очишга урғу беради. Драматург пьесанинг ҳиссий таъсир кучини ошириш учун табиат манзаралари тасвиридан унумли фойдаланади. Гулларга бурканган баҳор манзараси фонида «Сайра, булбул», «Баҳор», «Узма гул» каби халқ куй ва қўшиқлари ижро этилади. Томошабинда романтик кайфият ҳосил қилгач, драматург ўз мақсад-ғоясини асар бадиий тўқилмасига сингдириб юборади, жамият гули бўлмиш ёшларни билим уйларига бориб, илм ўрганишга даъват қилади. Бу эса драматургнинг услубий маҳоратидан дарак беради.

1919 йилда ёзилиб, шу йили саҳналаштирилган «Тилак» пьесасида

[1] Пестовский Б.А. Ўзбек театри тарихи // Инқилоб. -1927. -№ 4. -Б. 28-29.

драматург ўзининг эзгу орзу-тилакларини, қарашларини асар бош қахрамони Мурод тилидан сўзлайди. Унинг фикрича, миллатнинг тараққиётга эришиши учун барчанинг маърифатли бўлиши шарт. Шундай экан, нега хотин-қизларнинг билим олишига шароит яратилиб берилмаяпти? Ахир бутун инсониятнинг ярмини хотин-қизлар ташкил этади-ку! Агар хотин-қизлар саводсиз бўлса, жамиятнинг ярми саводсиз бўлади, дегани эмасми бу?

Муроднинг «Нега бизда қизлар билим юртлари учун чолишгучилар йўқ,нима учун маориф бўлимлари қараб турадилар?» деган сўзлари барча жадидларнинг, жумладан, Ғулом Зафарийни ҳам қалбини ўртаган муаммолардан бири бўлган. Бу муаммони ҳал этиш жадидчилик ҳаракатининг илк даврларидаёқ кун тартибига қўйилган.

Хотин-қизларнинг илм олишига жадидларнинг бу қадар эътибор билан қарашлари бежиз эмас эди. Улар миллатнинг келажаги оналарнинг қўлида эканлигини теран англаганлар. Ҳар бир инсон илк тарбияни, аввало, ўз онасидан олади. Шундай экан, онанинг маърифатли бўлиши миллатнинг порлоқ келажагига гаровдир. «Тилак» пьесасида худди шу гоя олга сурилади.

Бу даврда ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол огир эди. Жамиятдаги ағдар-тўнтарлар, синфий зиддиятлар туфайли ота-онасиз қолган етимлар кўчаларда дайдилик қилишар ёки турли ёмон йўлларга кириб кетишар эди. Бу ҳол миллатпарвар адиб Ғулом Зафарийни ҳам изтиробга солган. Мана шу изтироблари натижаси ўлароқ у «Мозорликда» пьесасини ёзади. Бу асарда етим боланинг она мозори устида фарёд чекиши, нолаю фиғонлари, она руҳининг қабрдан чиққан армонли нолалари ўткир драматик тарзда ифодаланади. Ўша даврда яшаб, пьесани томоша қилган кишиларнинг хотирлашича, бу асар томошабинларга кучли таъсир кўрсатган, туйғуларини жунбушга келтирган.

Ғулом Зафарийнинг «Тўсқинчилик» бир кўринишли саҳна асари ўша даврнинг барча маърифатпарвар зиёлилари қалбини ўртаган жаҳолат муаммосига бағишланган.

«Тўсқинчилик» пьесаси болалар ҳаётидан олинган. Асар қаҳрамони Шарифжон илмнинг аҳамиятини тушуниб етган, янги мактабга бориб, таълим тарбия олади. Аммо бунга жаҳолат огуси билан заҳарланган чапани болаларнинг гаши келади. Бундай болалардан бири Ёдгор Шарифжонни тўғри йўлдан қайтармоқчи, ўзига ўхшаган жоҳил кимсалар сафига қўшмоқчи бўлади. Лекин Шарифжонни ўз йўлида собитлиги, мактабдош дўстларининг ёрдамга етиб келиши туфайли Ёдгор ва бошқа тўсқинчилар қочиб қоладилар. Маърифат нуридан баҳраманд бўлган болалар яна ўз билим масканларига йўл олишади.

Драматургнинг «Қуён» номли пьесаси кичик ёшдаги болалар турмушидан олиб ёзилган. Содда тасаввурли болаларнинг кўрган кечирганлари орқали муаллиф эскилик ва янгилик ўртасидаги курашни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Асарда халқ онгига ўрнашиб қолган баъзи бир зарарли одатларнинг бефойдалиги таъкидланади, саводсиз табиб,



кинначи, фолбинларнинг алдоқчилиги ва фақат докторларгина беморларга ёрдам бера олади, деган гоя тарғиб қилинади.

Ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган «Эрк болалари» ва «Туйғуной» деб номланган бир пардали мусиқали драмаларида Ғулом Зафарий ёшлик, гўзаллик ва муҳаббатни мадҳ этади. Бу икки асардан ҳам севишган ёш йигит ва қиз, уларнинг ўртоқларининг баҳор чоги гўзал боғда ёшлик ва муҳаббат сururидан маст бўлиб ўтказаётган ёруг онлари ифода этилади.

Юқорида кўриб ўтганимиз драмалардан ташқари, Ғулом Зафарий «Чин Темур ботир», «Гуласал», «Бузуқлик армуғони», «Пахтахон», «Янги одам», «Сайил ва тўй» каби саҳна асарларини ҳам яратган. Аммо бу асарлар ўз вақтида нашр этилмагани туфайли бизгача етиб келмаган.

Ғулом Зафарий яратган саҳна асарлари мусиқали драма яратиш йўлидаги изланишлар эди. Шунинг учун ҳам пьесаларда ўзига хос қусурлар, камчиликларнинг бўлиши табиий, албатта. Лекин шунга қарамасдан, бу асарлар ўша даврда халқ қалбига йўл топди ва унинг олқишига, ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Ғулом Зафарий номининг маданиятимиз тарихидан ўрин олишига сабаб бўлган асарлардан бири унинг «Ҳалима» драмасидир. ««Ҳалима» 1920-30 йиллари мобайнида республикамиз саҳналарида кўп марта қўйилган. Шунингдек, 1930 йил ёзида Ўзбекистон ССР Давлат музика театри жамоаси томонидан Москва ва Ленинград саҳналарида ҳам кўрсатилган.»[1] «Ҳалима» ўзбек адабиётида яратилган биринчи мусиқали драма бўлиб, ўз даврида беқиёс даражада шуҳрат қозонган.

Бу ҳақда «Иштирокиюн» газетаси шундай билдиришни берган:

«Эски шаҳар «Роҳат» боғчасинда 1920 йил 14 сентябрда, сешанба куни, ўзбек шўро артистлари томонидан беш пардали «Ҳалима» отли опера ўйналади. Ёзувчиси: Ғулом Зафарий. Бу асар ерли турмушдан олиб ёзилган фожиадир. Ҳаволари ўзбекча бўлгони билан бирга музика (чолғу)да ўзбек чолғуларидир. Ўйин бошланур соат 7 яримда ...»

Худди ана шу кундан то манфур сталинча тузум 1937 йилда уни қатагон қилгунича «Ҳалима» ўзбек театри саҳнасида узлуксиз кўрсатиб келинди ва ҳар сафар томошабинларнинг қалбини ҳаяжонга солди.

«Ҳалима»нинг яратилиши ва халқ ўртасида кенг шуҳрат қозонишида Маннон Уйғур раҳбарлигидаги Карл Маркс театр жамоасининг хизмати жуда катта бўлди. Улар Ғулом Зафарий билан ҳамкорликда пьесанинг саҳнавийлигини ошириш учун тинимсиз изландилар, «Ҳалима» асари ва унинг саҳна вариантларини тиклаш бўйича бирмунча ишларни амалга оширган.

Т. Турсуновнинг ёзишича, асарнинг биринчи қоралама нусхаси дафтарнинг икки варағига, яъни тўрт бетига битилган кўринишлар баёни ва персонажлар тавсифномасидан бошланган. Пьесани саҳналаштиришни Уйғур ва Ғулом Зафарийнинг ўзи бошқарган, уларга Музаффар Муҳамедов кўмаклашган. Масалан, биринчи кўриниш Ҳалиманинг Неъмат билан

[1] Ўзбек совет адабиёти тарихи. I-том. -Т.: Фан, 1968. -Б. 80.

учрашуви, совчиларнинг келиши, уларни боғда кутиб олиш, кузатиб қўйиш эпизоди билан тугаган. Драматург тақдим этган нусхада совчилик эпизоди умуман бўлмаган. Дастурхончи Холжон хола ва бойнинг синглиси пьесада иштирок этган бўлсалар-да, совчилик қилмаганлар. Бу эпизод Уйғур ва Ҳасан Махсумовнинг таклифи билан киритилган. Бешинчи кўринишнинг Ғ. Зафарий нусхасида эса келинбарон ҳам, тортишмачоқ ҳам бўлмаган. Келинбаронни М. Уйғур таклиф этган ва уни расм-русумларини яхши биладиган Ҳасан Махсумов бошлиқ гуруҳ амалга оширган.[1]

Муаллиф ва театрнинг қизғин ижодий ҳамкорлиги натижасида асар воқеалари йилдан-йилга бойиб, мусиқа ва чолғулари доираси кенгайиб борган. Асарга мусиқаларни драматургнинг ўзи танлаган. Созандаларни ҳам Ғулом Зафарийнинг ўзи саралаб, ўзи таклиф этган.

Хуллас, муаллиф ва театр жамоасининг тинимсиз изланишлари натижасида «Ҳалима» ўз даврининг энг мукаммал саҳна асарларидан бирига айланган. Пьеса қайта-қайта саҳнага қўйилган бўлса-да, халқ тўлиб-тошиб келган, томошабинлар асарни завқ билан, кўз ёш тўкиб томоша қилишган.

70-йилларда «Ҳалима» драмаси Туроб Тўла томонидан қайта ишланиб, Муқимий театрида саҳналаштирилди. Бу «қайта ишланган» асарда бош қаҳрамонлар сиёсий жиҳатдан анча «ўсган» ҳолда, ҳаттоки Неъмат ва Зокирлар салкам инқилобчи бўлиб гавдаландилар. Бу албатта, Ғулом Зафарий кўзлаган асл ниятга зид бўлиб, асарнинг ҳаққонийлигига соя солди. Шунинг учун «қайта ишланган» драмани халқ қабул қилмади ва у ҳақли равишда эътирозларга сабаб бўлди.[2]

«Ҳалима» драмасида кўтарилган ғоя аслида барча жадидларнинг маънавий устози, бу ҳаракатнинг йўлбошчиси Исмоил Ғаспрали томонидан ўртага ташланган бўлиб, мактаб ва маориф, матбуот ва адабий тил масаларини ҳал этиш билан биргаликда хотин-қизларнинг шаръий ҳуқуқларини тиклашни ҳам ўз ҳаракат дастурига киритган.

Тошкент жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бўлган Ғулом Зафарийни ҳам кўпдан бўён бу муаммо безовта қилар, ҳаяжонга солар эди. «Ҳалима» адиб қалбини ўртаган, чуқур қайғуга чўмдирган ана шу ўй-хаёллар ҳосиласи ўлароқ дунёга келди. Бу асар ҳақида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 20 март сонида «Тўлқин» имзоси остида ёзилган тақризда шундай дейилади: «Ўзбек оила турмуши жуда ҳам ёмон. Хотин-қизларимиз бу кунга қадар ўйинчи-қўғирчоқ қаторида саналиб келдилар ва ҳалиям саналиб келмоқдалар. Қиз бериш, куёв қилишда ҳам ихтиёр мутаассиб ота-оналар қўлида бўлди. Қиз ихтиёрсиз ҳайвон қаторидадир...

Бу ҳоллар турмушимизда миллионлаб саналадир. Бу саноқсиз дардларимизнинг кичкина намунаси «Ҳалима» ўперасидир ва унда кўрсатиладурғон ўзбек оила турмушидаги қайғули ҳоллар, яшашлар, ихтиёрсизлиқлардир.

[1] Қаранг: Турсунов Т. Ғулом Зафарий ва театр // Совет Ўзбекистони санъати. -1979. -№ 4. -Б. 8-10.
[2] Қаранг. Абдусаматов Ҳ. Сафаров Н. Адабий меросга муносабат ҳақида // Совет Ўзбекистони. -1971. 14 янв.



Бу ўпера турмушимизнинг энг қайғули, фожиали жойларидан олиб ёзилгон бир нарса бўлиши билан баробар йўқолиб кетмакда бўлгон оҳангларимизни бир ерга тўплагон».[1]

Муаллиф асосий қаҳрамонларнинг қалб кечинмаларини очиб бериш учун «Қанчалар», «Ироқ», «Омон-омон», «Сайра, булбул», «Реза», «Кўчабоғи», «Баёт III» каби халқ ашуларидан фойдаланади. Гарчи драмага махсус мусиқа ёзилмай, халқнинг мусиқий меросидан танлаб, саралаб киритилган бўлса-да, асарда ҳеч бир сунъийлик сезилмайди.

Асардаги ашулалар ва мусиқалар динамик тарзда, воқеа-ҳодисаларга мутаносиб ҳолда кучайиб, ўткирлашиб, тобора шиддатли тус олади. Ва ниҳоят, тўртинчи парда сўнгида тақдирнинг аёвсиз зарбалари туфайли эсдан оғаёзган, деярли ҳушсиз ҳолдаги Ҳалиманинг Неъмат руҳи билан сўзлашиб турган чоғида асар кульминацион нуқтасига етади. Томошабин қалбини ларзага соладиган, ҳис-ҳаяжоннинг авж нуқтасига етган чоғидаги ҳолатни драматург саҳна санъатининг турли имкониятларидан фойдаланган ҳолда ёрқин тасвирлаб берган.

Ҳалиманинг ўлим олдидаги ҳолати Шекспирнинг «Ҳамлет» асаридаги мажнуна Офелия ҳолатига ўхшаб кетади:

Мени ташлаб, эй малагим , кетдинг қаён, кел-кел!  
Қизғонмасдан тутқунликда қолдирибон, кел-кел!  
Эй гўзалим бирга қочибон кетайлик, кел-кел!  
Ўйнаб иккимиз кулишибон бирга юрайлик, кел-кел!

Ушбу бобда баён қилинган фикр ва мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Туркистонда Оврўпо усулидаги театрнинг вужудга келиши тарихий зарурат эди. Унинг пойдеворини қўйишда кўплаб ўзбек адиблари қаторида Ғулом Зафарийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. У ўзбек театрининг дастлабки актёри, драматурги ва режиссёрларидан бири эди.

2. Ғулом Зафарий кичик саҳна асарлари орқали ўзининг ҳаётдаги маслагини, асл ғоясини ифода этди, маърифатни ёшлар қалбига сингдириш учун йўллар излади, топди.

3. Ғулом Зафарийнинг кичик саҳна асарлари «Ҳалима» мусиқали драмасининг юзага келишида бир босқич бўлди.

4. Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» асари ўзбек драматургияси учун ҳам, ўзбек театр санъати учун ҳам мутлақ янгилик эди.

5. Ғулом Зафарий драматургияга халқ оғзаки ижоди оҳангларини олиб кирди ва асрий меросимизнинг бу муҳим қисми ёзма адабиёт тараққиётида етакчи омиллардан бири бўлиши мумкинлигини биринчилардан бўлиб тушунди.

6. Ғулом Зафарий театр халқ оммасининг барча қатламига таъсир кўрсата олувчи янги санъат тури эканлигини тўғри тушуниб, халқ онги, дунёқарашининг ўзгаришида ўз асарлари билан фаол иштирок этди, уни жамиятнинг онгли аъзоси даражасига олиб чиқишга уринди. Шу мақсадда у сентиментал адабиёт унсурларидан ҳам фойдаланди. Юқорида олға сурилган фикрлар асосида шуни айтиш мумкинки, Ғулом Зафарий драматург сифатида ўзбек театри уфқларининг кенгайишига улкан ҳисса қўшган ижодкордир.

[1] Тўлқин. «Ҳалима». //Қизил Ўзбекистон. 1925, 20 март.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Ғулом Зафарийнинг шеърий ва илмий асарлари» деб аталади. Бунда Ғулом Зафарийнинг бир қатор соҳалардаги фаолиятига, жумладан, шеърий ижоди, театршунослик, мусиқашунослик ва фольклор бўйича олиб борган ишлари тадқиқ этилди.

Ғулом Зафарий ўз ижодини шеър ёзишдан бошлаган. Унинг илк шеъри «Эй илм» сарлавҳаси остида 1914 йил «Ойна» журналида босилиб чиққан. Худди шу йили «Садои Фарғона»да унинг «Жаҳолатдамиз» деб номланган шеъри ҳам эълон қилинган. Ушбу шеърлар ўша даврдаги тараққийпарвар ўзбек зиёлилари қалбини ўртаган миллат онги ва руҳини эгаллаб олган жаҳолат муаммосига бағишланган. Шундан сўнг то 1917 йил охирларигача Ғулом Зафарийнинг номи матбуот саҳифасида деярли учрамайди. Бу ҳолни унинг кўпроқ маориф ва театр соҳасига «шўнғиб кетганлиги» билан изоҳлаш мумкин.

1917 йил охирларида у «Ишчилар дунёси» журналига бўлим муҳаррири бўлиб ишга киради. Қисқагина умр кўрган ушбу журналдаги унинг барча шеър ва мақолалари Туркистон Мухториятига бағишланган. Ушбу асарлар ҳақида биз биринчи бобда озми-кўпми фикр юритганимиз учун улар ҳақида тўхталиб ўтирмаймиз. «Ишчилар дунёси» журналида босилган шеърларидан сўнг Ғулом Зафарий драматик асарларидаги шеърий матнларни ҳисобга олмаганда, шоир сифатида фақат катта ҳажмдаги лиро-эпик асарлар - достонларнигина яратди.

Шоирнинг «Ваннайча» достони реал воқеа асосида ёзилган. Бу асар эндигина тетапоя бўлиб келаётган ўзбек саҳнасида чарақлаган юлдуз мисол бир ёниб ўчган ўзбек қизининг фожиали ўлими муносабати билан ёзилган. Бу даврда саҳнада ўзбек аёллари камдан-кам кўринар, ҳар қандай истеъдодли қиз ҳам ўз санъатини саҳнада намойиш қилишга журъат қилавермасди. Шунда саҳнада «ҳур каби гўзал, қора кўз, қалам қошли бир санам» пайдо бўлади. Унинг най каби нафис, жонли товуш билан айтган қўшиқлари барчани ўзига мафтун қилади. Эл уни севиб, унга Ваннайча деб янги от қўяди. Ҳаётда бўлиб ўтган воқеага романтик тус берилиб, асарга Тўлин Ой образи киритилган. Муаллиф Ваннайча ҳаётида рўй берган воқеаларга ушбу образ орқали ўз муносабатини билдиради.

Асардаги Ваннайчанинг эри - уни ўта қудратли, аммо жоҳил рашк билан биргаликда севувчи йигит образи анча жонли чиққан. Шўро даври адабиётининг энг катта қусури - қаҳрамонларни иккига - ижобий ва салбий қаҳрамонларга ажратиб, бирини оқ, иккинчисини эса фақат қора бўёқлар билан тасвирлашдан бу достон холи. Шоир севгувчи йигитнинг кўр рашк олдидаги ожизлиги, қалб фожиаси, изтиробу аламларини ҳам кўрсатиб беришга уринган. Йигит ўз қурбонини ўлдириб шундай кетавермайди, у ўксиб-ўксиб йиғлаб, пушаймонлар қилади, кесилган бошни қўлига олиб, уни кечиришни ёлвориб сўрайди. Икки ўт ўртасида ўртанаётган, тўхтамасдан юзини тимдалаб йиғлаётган йигитнинг қалб фожеаси тасвири ўқувчини ларзага солади, ўз рашкининг қурбони бўлган ўзбек Отеллосига нисбатан кишида жиндай ачиниш ҳисси пайдо бўлади.



«Ваннайча» достонига ёзилган тақризларда «муаллифда Ваннайча қотилини қатъий қоралаш позицияси етарли сезилмаслиги»[1] танқид қилинган. Ўша давр руҳини, одамлар психологиясини, қолаверса бадиият талабларини ҳисобга олмасдан бундай фикр билдириш, бизнингча, бир ёқламадир. Агар йигит ўз қурбонини ҳеч бир изтиробсиз ва қайғусиз кўмиб кетаверганида бу образ биз учун совуқ ва ёқимсиз бўлиб туюлар эди. Жамиятда ҳукм сурган ахлоқий бурч ва қоидалар ҳамда рашк билан муҳаббатнинг тўқнашуви асар драматизмини кучайтирган, унинг бадиийлигини оширган. Бизнингча, муаллиф йигит жинояти сабабларини янада чуқурроқ очиб берганида асар бундан ҳам қизиқарли ва таъсирли бўларди.

Достон камчиликлардан ҳам холи эмас. Шоир ижоди ҳақида ёзган Бердиали Имомов таъкидлаганидек, «достоннинг ритмик-интонацион қурилишида ғализликлар сезилишини ҳам айтиб ўтиш керак. Бундан ташқари, асардаги Ваннайча қисматини Ойнинг кузатуви орқали ифодалаб, уни ўраган шароит, кишилар муҳити деярли очилмаганлигини шоирнинг романтизмга мансуб фикрлаш принципи орқалигина изоҳлаш ва оқлаш мумкин».[2]

Ғулом Зафарийнинг «Чўпон Темир» номли достонининг мазмуни «Ошиқ Ғариб», «Тоҳир ва Зуҳра» каби халқ китобларини ёдга солади. Кўплаб эртак ва достонларда учрагани каби бу достонда ҳам бефарзанд бой камбағалнинг ўғли Темирни ўзига асранди ўғил қилиб олади. Темирнинг қадами ёқиб, бой хотини ҳам қиз кўради. Йиллар ўтиб, Темир ва бойнинг қизи Гуласал вояга етадилар. Улар ўртасида самимий муҳаббат ҳислари пайдо бўлиб, улар бир умрга бирга бўлишга аҳду паймон қилишади. Бундан хабар топган бой қизини камбағал йигитга беришдан ор қилиб, Темирни ўз хонадонидан қувиб юборади. Темир тоғу тошларда чўпонлик қилиб юриб, ёр фироқида азоб чекиб, мунгли қўшиқлар айтади. Бу дардчил қўшиқларни тасодифан эшитиб қолган Бобуршоҳ севишганларнинг бир-бирига етишишига ёрдам беради. У қизнинг отасини чақиртириб, уни койийди, Гуласални келтириб, тўю томошалар билан Темирга никоҳлаб беради. Достон ана шундай некбин кайфиятда якунланади.

Шоир ўз ғоявий ниятини юзага чиқаришда ёрдамчи ва шартли образлардан унумли фойдаланади. Асардаги Қўбузчи ва Қўбуз образлари бунга мисолдир. Қўбузнинг Темир ва Гуласал тилидан айтган халқ достонлари руҳидаги диалогларида асарнинг бадиий кўркамлиги яққ этиб кўзга ташланади.

Ғулом Зафарийнинг барча асарларида учрагани каби «Чўпон Темир» достонида ҳам халқона руҳ сезилиб туради, шоир ўз асарини яратишда халқнинг бой маънавий меросига суянади, унинг ўзидан олиб ўзига қайтаради.

«Чўпон Темир» достонининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, асарга замонавий ўзбек адабиётида биринчи бўлиб халқ идеалидаги шоҳ -

[1] Имомов Б. Ғулом Зафарий - шоир ва драматург // Шарқ юлдузи. -1981. -№11. -Б. 212-213.
[2] Ўша манба. Ўша бет.

Бобур образи киритилган. Халқ орзусидаги одил шоҳларнинг умумлашган намунаси бўлган Бобур образи асарда романтик руҳдаги ёрқин бўёқларда тасвирланади.

20-йилларда халқ ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар юзага кела бошлади. Қаддини ростлаб олган янги тузум ўз қонунларини жорий қила борди. Бу ҳол кишилар руҳиятига, қарашларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Турмушдаги бундай ҳодисалар адабиётда ўз аксини топмаслиги мумкин эмас эди. Адиблар олдида янги турмуш тақдим қилган мавзуларни ўзлаштириш, янгича руҳдаги инсонлар дунёқараши тадрижини ифода этиш вазифаси турарди. Ғулом Зафарийнинг «Ёшлар энди берилмас» достони мана шу йўлдаги уринишлардан бири бўлди.

20-йилларда Шўро ҳукумати халққа нисбатан ўта маккорона сиёсат олиб бориб, баъзи бир жузъий ислоҳотлар билан халқни ўзига ағдармоқчи бўлган. Шу йилларда амалга оширилган бойларни, хусусий мулкни тугатишдан мақсад барчани камбағаллаштириш, қашшоқлар давлатини тузиш эди. Чунки, қашшоқларни алдаш ва бошқариш осон. Шўро давлати олиб борган бу сиёсатнинг «афзаллиги»га оддий халққина эмас, ҳатто зиёлилар ҳам аста-секин ишона бордилар.

«Ёшлар энди берилмас» достонида ҳам муаллифнинг Шўро ҳукумати томонидан олиб борилган ер ислоҳотини қўллаб-қувватлагани кўринади. Достонда шу давр ўзбек лиро-эпик асарларига хос бўлган бадиий тилнинг хомлиги, вазн ва қофияда оҳангдорликнинг етишмаслиги, воқеанавислик каби камчиликлар учрайди. Шунинг билан биргаликда шоирнинг портрет ва манзара яратишдаги маҳоратини ҳам четлаб ўтмаслик керак.

Ғулом Зафарийнинг шеърий ижодидаги ижтимоийликдан ҳоли бўлган асари «Гулёр» достонидир. «Гулёр» - соф севги достони. Унда гўзалликда тенги йўқ қиз Гулёрнинг муҳаббати ва фожиали ўлими тасвирланади. Ғулом Зафарий ушбу достонини халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борган бир даврда ёзганлиги учун бўлса керак, асарда халқона руҳ бўртиб туради.

Ғулом Зафарий достонни Бухородаги мусиқа билим юртида ишлаб юрган чоғларида ёзган, шунинг учун ҳам ўша ерда нашр этиладиган «Учқун» журналида эълон қилган.

Гулёрнинг бахти ҳам, фожиаси ҳам унинг гўзаллигида. Мана шу гўзаллик туфайли жуда кўп яхши-ёмон кўзлар уни таъқиб қилади. Ота-онаси бу таъқиблардан хавотирланиб, қизини олиб, бошқа қишлоққа кўчиб кетишади. Бу қишлоқда Турсун исмли бўз йигит яшарди. Гулёр ва Турсун бир кўришда бир-бирига кўнгил қўяди. Ота-оналар ҳам бундан хабардор бўлишади ва тўй тадоригини кўришади. Ниҳоят, тўй куни ҳам етиб келади. Тўйга бутун эл-уруғ, келин-куёвнинг ёру дўстлари жам бўлишади. Шунда тўйга Қурбон ҳам келади. Қурбон Гулёрни зимдан яхши кўриб юрар, уни ўзиники, деб ҳисобларди. Гулёрнинг Турсунга турмушга чиқаётганини эшитган Қурбон ғазабдан куйиб-ёнади, уни ўлдирмоқчи бўлади. Ғазаб ва рашк унинг қўлига ханжар тутқазади. Тўйнинг энг қизиган пайтида Қурбон



Гулёрнинг кўксига ханжар уради. Тўй азага айланади. Барча бу даҳшатли воқеадан чуқур қайғуга тушди. Эл бу қайғуни ўз бағрига сиғдиролмай, «Гулёр» куйини тўқиб чиқаради.

Юқорида кўриб ўтган достонларимиздан ташқари Ғулом Зафарий «Кетмон чопди», «Қора кунлар», «Етишдилар муродга», «Янги рўзгор эрлари» каби достонлар ҳам ёзган. Лекин улар номаълум сабабларга кўра нашр этилмаган ва бизгача етиб келмаган. Бу асарлар ҳақида баъзи бир маълумотларгина бор, холос. Масалан, «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил 10-11 қўшма сонининг сўнгги бетида қуйидаги билдириш эълон қилинган:

«Идорадан жавоблар.

Ғулом Зафарийга. «Етишдилар муродга» сарлавҳали достонингиз олинди. Истагингизга мувофиқ ўзгартирмасдан боса олмаймиз. Достон фикри, маъно жиҳатидан дуруст бўлса-да, шеърда адабий санъат ишлатилмай, ҳижо, қофияларга риоясизлиқ кўрсатилган. Такрор тузатиб, халқ куйларидан бирига солиб ёзсангиз, босилур».[1]

Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг ҳосиласи бўлган профессионал ўзбек театри ривожланиши билан театршунослик ҳам шаклланa борди. Дастлаб «Ойна» ва «Ал-ислоҳ» каби журналларда «Театру бизга керакми?» қабилидаги баҳслардан бошланган ушбу соҳа бора-бора санъатшуносликнинг муҳим тармоқларидан бирига айланди. Театршуносликнинг туғилиши ва шаклланишига қарийб барча етук ўзбек адиблари ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Ўзбек театри ҳақида биринчилардан бўлиб матбуотда ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил баён қилган рус театр танқидчиларидан бири Б.А. Пестовский эди. Унинг 1922 йил «Инқилоб» журналининг 3-4-сонларида босилган «Ўзбек театри тарихи» мақоласи ўша даврдаги ўзбек театри ҳақидаги тасаввуримизнинг бойишига ёрдам беради.

Муаллиф анчагина қимматли маълумотларни бериш билан биргаликда ўзбек ва умуман Шарқ театри тарихи, уларнинг шаклланиш манбалари ҳақида бирмунча мунозарали фикрларини баён қилган. Чунончи, «Мусулмон театри бошқаларга нисбатан яқиндагина дунёга келди, айниқса, ўзбек театри ўзининг 10-ёшини ҳам яшаган эмасдир...ул тўғридан-тўғри рус театрининг таъсири остида ўсди»,[2] деб ёзган ва унинг бундай фикрлари кўплаб ўзбек зиёлиларининг эътирозларига сабабчи бўлган. «Инқилоб» журналининг ўша йилги 6-сонида босилган «Равшан»имзоли мақола ҳам Пестовский мақоласига жавоб тарзида ёзилган. У Пестовскийнинг юқорида келтирилган даъволарини кескин рад қилган. Лекин мақоладаги эътирозлар ўта эҳтирос билан ёзилган бўлса-да, унда илмий далиллар, мисоллар етишмайди. «Билим ўчоғи» журналининг 1923 йил 2-3-сонларида босилган Ғулом Зафарийнинг «Чиғатой-ўзбек халқ театруси» мақоласи эса ўзининг илмийлиги, исбот ва далилларга бойлиги билан ажралиб туради.

[1] Маориф ва ўқитувчи. -1926. -№10-11. -Б. 72.
[2] Инқилоб. -1922. -№ 3. -Б. 37.

Муаллифнинг ёзишича, ўзбекларда театр қадимдан мавжуд бўлиб, фақат у «ҳозиргича театру деб аталмай, «томоша» деб аталиб, элнинг қизиқ, ўйинчилари томонидан сайилларда, тўйларда, гапларда ва катта йиғинларда кўбрак эрмак (танқид) йўли ила, баъзан ўрнак бўлатурғон томошалар тарзида ёзилгон бўлмай, ўйинчилар томонидан тузулиб, ёдаки сақлангон. Шул томошалар ўзбекларнинг илгариги тараққийсига кўб ёрдам берган.[1]

Илк ўзбек драматурглари ўз пьесаларини яратишда анъанавий халқ театри ижодий тажрибалари, аскиябозлик, қизиқчилик, қўғирчоқбозлик, масхарабозлик, эртакчилик, достончилик, қўшиқчилик санъатидаги драмага хос элементлардан кенг фойдаланган. Хусусан, Ғулом Зафарий ижоди ҳам бунга мисол бўла олади.

Ғулом Зафарий театрни муқаддас ибратхона деб билар эди.

Ўтмишда ўзбек театрининг барқ уриб ривожланмаганлигининг сабабини Ғулом Зафарий шундай изоҳлайди: «Бори томоша ва ўйунларнинг яхши йўлга қўйулмогонига сабаб, юқорида айтилгонича, уламолар бўлгон. Ислом динининг бўш ўйун-кулгулардан қайтаргонини қурол қилиб, томошаларнинг фойдали эканлигини тушунмай ёки тушунсалар ҳам ўзларига эргаштирмакка қизиқиб қайтаришлари зўр монеъ бўлгон».[2]

Ғулом Зафарийнинг «Чиғатой-ўзбек халқ театруси» мақоласи маданиятимиз тарихини ўрганишга катта ҳисса бўлиб қўшилган. У ўша даврдаги «ўзбеклар маданиятни, жумладан, театрни руслардан ўрганди» қабилидаги нотўғри қарашларга жиддий зарба берган.

Ғулом Зафарий Туркистонда пайдо бўлган Оврўпо типидаги янги театр ҳақида ҳам махсус мақола ёзади. Ушбу мақола «Ўзбек театру тарихи» сарлавҳаси остида 1924 йили «Ўзгаришчи ёшлар» журналининг иккинчи сонида эълон қилинган. Мақолада замонавий театрнинг пайдо бўлиши ва шаклланиш омиллари, учраган тўсиқлари ҳақида сўз юритилади.

Янги типдаги театрнинг пайдо бўлишида рус, татар, озарбайжон театрлари таъсир кўрсатдилар. Айниқса, озарбайжон театрининг таъсири кучли бўлди. Озарбайжонлик режиссёрлар янги ўзбек театрининг оёққа туриб олишида анча кўмаклашганлар. Янги типдаги театрнинг шаклланиши ва ривожланишида тараққийпарвар ўзбек ёшлари ўта фидойилик кўрсатганлар. Чор маъмурлари ва мутаассиб кимсалар уларга қарши турли фитналар уюштирганлар, уларни «падаркушлар» деб атаганлар, аммо тараққийпарвар ёшлар ўз йўлларидан бир қадам ҳам чекинмаганлар. Натижада, ўзбек театри қисқа муддатда муайян бадиий юксакликка эришган. Унинг бу мавқега эришишига Ғулом Зафарий ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшган.

Ғулом Зафарий миллий мусиқамиз, умуман Шарқ мусиқасининг билимдони бўлган.Шунинг учун бўлса керак, 20-йиллар рус матбуотида унинг номи «композитор Ғулом Зафарий» тарзида ёзилар эди.

---

[1] Билим ўчоғи. 1923. № 2, 3. -Б. 62.
[2] Ўша манба, 65-бет.



Ҳақиқатан, рус театршуноси Б.А. Пестовский ҳам «Ўзбек театри тарихи» мақоласида уни «композитор Ғулом Зафарий» деб атаган. Ўзбекистонда яшаб ижод этган рус мусиқашунослари Ғулом Зафарийнинг ноёб истеъдодини қадрлаб, унга юқори баҳо берганлар. Шулардан бири - В.А. Успенскийнинг москвалик дўсти В.М. Беляевга ёзган мактубида шундай сатрлар бор:

«Самарқандда Ғулом Зафарий билан учрашдим - сенга унинг манзилини ёзиб кўрсатаман: Самарқанд, китоблар палатаси - унга. У билан боғланишингни чин дилдан маслаҳат бераман, мусиқа ҳақида у жуда кўп нарсаларни билади».

Успенский бу мактубида муболаға қилмаган эди. Чиндан ҳам, Ғулом Зафарий мусиқа ҳақида теран билимга эга бўлган. У чуқур илмий тадқиқотлар асосида ўзбек миллий ҳофизлик мактаби шажарасини тузиб чиққан, форс, ҳинд, умуман Шарқ куй ва чолғуларини мукаммал билган. Унинг 1922 йил «Инқилоб» журналида эълон қилинган «Шарқ куйлари ва чолғулари» мақоласини ўқиган киши бунга амин бўлади.

Мақолада Ғулом Зафарий икки юзга яқин Шарқ куйларини номма-ном санаб кўрсатади, уларни туркумларга ажратиб, ўзига хос хусусиятлари, усуллари ҳақида тўхталади. Бу қадар теран билимга у заҳматли меҳнати эвазига эришган эди. Ғулом Зафарий мусиқа назарияси ва тарихига оид жуда қадимий ва ноёб қўлёзма манбалар билан танишган, Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида кезиб, кўплаб куй ва қўшиқлар йиғиб, ўрганиб чиққан эди.

Ғулом Зафарийни қийнаган муаммолардан яна бири шўро ҳукумати ва унинг тарбиясини олган баъзи бир кимсаларнинг маданий мероста муносабати масаласи эди. Улар Октябр тўнтаришигача бўлган маданий меросдан, жумладан, мусиқадан бутунлай воз кечиб, янги пролетар маданиятини яратиш керак, деб даъво қилардилар. Уларнинг фикрича, Октябр тўнтаришигача яратилган санъат асарлари фақат зодагонларга хизмат қилган, халққа ёт ва тушунарсиз бўлган.

Ғулом Зафарий ҳам калтабин кимсаларнинг нотўғри қарашларига қарши «Ўзбек мусиқаси тўғрисида», «Мусиқа муаммоси» каби мақолаларини эълон қилади.

Мақоладан Ғулом Зафарийнинг нуктадон мусиқашунос, халқ тарихининг билимдони эканлиги яна бир бор намоён бўлади. У ўзбек мумтоз мусиқасининг узоқ асрларга кириб борувчи теран илдизларга эгалиги, ўзбек халқи маънавий дунёсининг ажралмас бўлаги бўлиб келганлигини таъкидлаб ўтади:

«Ўзбек мусиқаси умумшарқ мусиқаси ила баб-баробардир, кенг ўрин олгон мусиқадир. Ўзбекда эскидан бери маълум мусиқа бўлгон».

1928 йил март ойида Самарқандда Ўзбекистон Маориф комиссарлиги қошидаги Илмий Шўро қарамоғида Ўзбекистон мусиқасини илмий текшириш институти очилди. Бу институтга жумҳуриятдаги энг истеъдодли мусиқашунослардан Фитрат, Н.Н. Миронов, Успенский ва бошқалар жалб

қилинди. Ғулом Зафарий ҳам шу институтда ўқув бўлими мудири лавозимида фаолият кўрсата бошлади. «Мусиқа муаммоси» мақоласида Ғулом Зафарий мазкур институтнинг очилишидан мақсад ва вазифаларини кўрсатади.

Ғулом Зафарийнинг мусиқашунос сифатидаги фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги хулосаларга келамиз:

У мусиқа ва театрни уйғунлаштириш учун қизғин фаолият олиб борди ва бунинг натижаси ўлароқ, ўзбек адабиётида мусиқали драма жанрига асос солди, ўзбек мусиқали драма театрининг ташкил этилишида жонкуярлик кўрсатди. У миллий мусиқамиз фидойиси сифатида Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларини кезиб, халқ куй ва қўшиқларини тўплаб, нашр этди.

Ғулом Зафарий ўзбек халқи ва умуман Шарқ халқларининг жуда қадимий мусиқий меросга эга эканлигини ишонарли далил, ҳужжатлар орқали кўрсатиб берди ва кенг тарғиб қилди. Унутилиб бораётган миллий мусиқамиз намуналарини, чолғу асбобларини сақлаб қолишга кенг жамоатчилик эътиборини қаратди. Миллий мусиқамизни турли ёт қарашлардан, ҳақорат ва камситишлардан ҳимоя қилди. Жумҳуриятимизнинг кўплаб шаҳарларида мусиқа билим юртларининг очилишида жонбозлик кўрсатди ва ёшларга миллий мусиқадан сабоқлар берди.

Ўзбек халқи жуда бой маънавий хазинага эга. Замонлар бўлдики, миллий қадриятларимиз поймол қилинди, қадимий қўлёзмалар, ноёб китоблар ўтда ёқилди, миллатпарвар инсонлар қатағон қилинди. Шу йўл билан миллат руҳини сўндириб, ўзлигидан кечдирмоққа, унга «Оврўпо маданияти»ни сингдирмоққа уриндилар. Аммо не-не қатағонлар, не-не қирғинлар бўлмасин халқимиз ўзлигини бутун сақлаб қола олди.

Ҳар бир ёзувчи ёки шоирнинг ижодкор сифатида шаклланиши ва камол топишида бошқа адабий анъаналар билан бир қаторда халқ оғзаки ижодининг ҳам муайян даражада ўрни бўлади. Бу, ижодкорнинг қай даражада халқ ҳаёти билан яқинлигига боғлиқ. Ғулом Зафарий ижодида халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлик, унинг бой маънавий меросидан баҳраманддик яққол кўзга ташланиб туради.

1919 йили Туркистон Мухтор жумҳурияти ҳукумати ва Туркистон ўлка мусулмон бюроси туркий халқлар меросини тўплаб, ўрганиб, нашр этиш ишларини йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилди. Кўламли бу тадқиқот ва нашр ишларини бошқариш учун Назир Тўрақулов (раис), Фитрат (раис муовини) ва Лазиз Азиззода (котиб)дан иборат бошқарув ҳайъати белгиланди. «Ўзбек халқ бадиий фольклорини тўплаш вазифаси Ўзбек билим ҳайъатига юклатилди.

Бу кенг қамровли ишга ўз ҳиссасини қўшиш учун Ғулом Зафарий жуда зўр иштиёқ билан киришади. У Туркистоннинг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида бўлади ҳамда фольклор намуналарини - эртак, қўшиқ, достон ва бошқа жанрларга оид асарларни ёзиб олади. Айниқса, Фарғона водийсидан, Термиз ва унинг атрофларидан кўпгина ранг-баранг материаллар тўплайди. Тўпланган материаллардан бир қисмини Машриқ



Юнусов (Элбек) билан биргаликда «Эл ашулалари» номи остида 1925 йили нашр этишади. Унда турли жойларда тарқалган халқ қўшиқлари ва термаларидан намуналар берилган бўлиб, ҳар бирининг яратилиш тарихи, тарқалган жойлари кўрсатилган. Тўпламдаги қўшиқлар мавзу жиҳатидан хилма-хил бўлса-да, уларнинг асосий қисмини лирик қўшиқлар ташкил этади.

Тўпламдаги халқ оғзаки ижоди намуналари орасида юрт тарихида рўй берган бирор жиддий воқеага бағишланган тарихий қўшиқлар ҳам бор. Масалан, «Саидаҳмад» қўшиғи Марғилонда яратилган бўлиб, 1916 йилдаги халқни ларзага солган, баъзи жойларда исёнларга сабаб бўлган мардикор олиш воқеасига бағишланган. Бу қўшиқ халқнинг маҳаллий маъмурларга ва оқпошшога нисбатан қаҳр-ғазабини ёрқин ифода этади.

Тўпламдан «Бегижон укам», «Ажаб ёрларим», «Андижон борай, дедим», «Аншимиш», «Айланаман, ёрларим», «Яллама ёрим», «Раббано, додимга ет», «Оҳ, менинг шоҳим», «Ғайра-ғайра», «Ёринг бўлса», «Ўртоқ», «Омон ёр», «Уфор», «Гулёр», «Дўст-дўст», «Ал-омон», «Алла-алла, ёр-алла», «Қашқарча», «Чиройлик», «Хон ўйини», «Қани-қани», «Гул ўйин», «Қизил гул», «Чаманда гул», «Бодом қовоқ», «Олмача-анорингга балли», «Ҳой, бола-бола», «Ҳой, менинг ёримсан», «Ялла», «Ёр» ва бошқа кўплаб ишқий-лирик қўшиқлар ўрин олган. Ушбу қўшиқларда халққа хос донишмандлик ва халқона соддалик қоришиб кетган. Баъзи қўшиқлар мазмун жиҳатидан ўта саёз туюлса-да, халқ ҳаётининг турфа кўринишлари, шу жумладан, салбий томонларини ҳам ҳаққоний ёритганлиги билан аҳамият касб этади.

Халқ қўшиқларини ўрганиш Ғулом Зафарий ижодига катта таъсир кўрсатди ва унинг асарларининг халқ орасида машҳур бўлишига сабабчи бўлди. Унинг кўпгина достон ва драмаларига халқ қўшиқларидан намуналар киритилган.

Ғулом Зафарий тўплаган халқ оғзаки ижоди намуналари орасида «Бўз бола»[1] эртаги ҳам бор. Бу эртакда «Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун» достонларидаги каби икки севишган ёшнинг фожиали қисмати ҳақида ҳикоя қилинади.

Анъанавий ўзбек халқ эртакларидагидек, «Бўз бола» эртагида ҳам халқнинг бахт ҳақидаги орзу-армонлари, тилаклари ўз ифодасини топган. Халқ орасида бу эртакнинг бошқа вариант ва версиялари ҳам бор. Масалан, «Қиссаи Бўз йигит», «Бўз бола ва Армуғон» шулар жумласидандир.

Ғулом Зафарий тўплаган халқ оғзаки ижоди намуналари орасида оғзаки драмалар ҳам бор бўлиб, шулардан бизга таниш бўлганлари «Мақтанчоқ киши» ва «Эр ва хотун» драмаларидир. Бу асарларни у «Чиғатой-ўзбек халқ театруси» мақоласига илова тарзида эълон қилган эди. Кўпчилик халқ драмалари сингари бу асарлар ҳам сатирик руҳда яратилган бўлса-да, улардан бирининг, яъни «Эр ва хотун» драмасининг бошқа драмалардан ажралиб турадиган ўзига хос хусусияти бор. Ушбу асар шу вақтгача маълум бўлган

---

[1] Бу эртакни Ғулом Зафарий 1926 йилда термизлик Собир Ҳошим деган кишидан ёзиб олган. Эртак Миёнбузрук Солиҳовнинг «Октябргача ўзбек оғзаки адабиёт фольклори» тўпламига киритилган. -Тошкент: Ўздавнашр, 1935. -Б. 65-72.

халқ оғзаки драмалари орасидаги ягона шеърий драмадир. Маиший мавзуда яратилган ушбу асар ҳажман қисқагина бўлса-да, катта мазмунга эга. Бу драмани ўз даврида халқ қизиқлари турли ҳаракатлар ёрдамида моҳирлик билан ижро этганлиги ва халқнинг олқишига сазовор бўлганлиги шубҳасиздир.

Ғулом Зафарий XIX аср Қўқон адабий муҳити шоирлари ҳаёти ва ижодини жуда яхши билган. Онасининг ҳикоялари орқали, ноёб китоблар билан танишлиги ва Фарғона водийсидаги илмий изланишлари туфайли у бу давр ижодкорлари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлади. Айниқса, Увайсий ва Нодира ҳақида тўплаган маълумотлари бу шоиралар ҳаёти ва ижодини ўрганишда бугунги кунда ҳам жуда катта аҳамият касб этади.

Ушбу бобда олиб борилган текширишлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини беради.

1. Ғулом Зафарий шоир сифатида янги ўзбек достончилигининг пайдо бўлиши ва ривожланишига муайян ҳисса қўшди. Унинг халқона руҳдаги, содда тил ва услубда ёзган достонлари бадиий жиҳатдан унча мукаммал бўлмаса-да, янги ўзбек достончилигининг туғилиши ва тараққий этишида бир босқич вазифасини ўтади.

2. Ғулом Зафарий театр тарихига оид мақолаларида ушбу санъат турининг халқимиз орасида қадимдан мавжуд бўлганлиги ва «шу томошалар ўзбекларнинг илгариги тараққийсига кўп ёрдам берган»лигини далил ва мисоллар ёрдамида кўрсатиб берди ҳамда замонавий театр танқидчилигининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.

3. Ғулом Зафарий ўзбек мусиқали театри ва мусиқали драма жанрининг вужудга келишида нафақат драматург, балки бастакор ва мусиқашунос сифатида ҳам катта рол ўйнади.

4. Ғулом Зафарийнинг халқ оғзаки ижоди соҳасидаги хизматлари ҳам, шубҳасиз, маданиятимиз тарихидан муносиб ўрин олади. Айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналарининг тўпланиб, нашр этилиши ва халқимизнинг маънавий мулкига айланишида, уларнинг изсиз йўқолиб кетишдан асраб қолинишида Ғулом Зафарий ва унинг маслакдошларининг ҳиссалари беқиёсдир.

**Диссертациянинг хулосаси.** Мазкур ишда Ғулом Зафарийнинг ҳаёти, адабий-ижтимоий фаолияти, драматик ва шеърий ижоди, театршунослик, мусиқашунослик, фольклоршунослик бўйича олиб борган фаолияти тадқиқ этилиб ҳамда назарий жиҳатдан ўрганилиб, қуйидаги хулосаларга келинди:

1. XX аср бошларидаги маънавий-маърифий муҳит, жадидчилик ҳаракати Ғулом Зафарий шахсиятининг шаклланишида катта рол ўйнади.

2. Ғулом Зафарий Туркистон Мухториятининг тақдири учун қайғурди, махсус асарлар ёзди ҳамда айрим намойишларда иштирок этди, Туркистон халқи номидан Туркистоннинг истиқболи ва истиқлоли тўғрисида сўзлади.

3. У ўзбек театрининг давлат муассасаларида масъул лавозимларда ишлади. Ўзбекистоннинг бир қатор шаҳарларида мусиқа билим юртларини



ташкил этишда қатнашди. Профессор Фитрат билан биргаликда Ўзбекистондаги дастлабки илмий ташкилотларни тузишда фаол иштирок этди.

4. Ғулом Зафарий адабиётимиз тарихида шоир, драматург, мусиқашунос, театршунос ҳамда фольклорчи олим сифатида ҳам муайян ишларни амалга оширди.

Тадқиқотда Ғулом Зафарийнинг шеърий ижоди махсус текширилди ҳамда шеърий ижодининг тадрижи кузатилди ва унинг ижоди қуйидаги даврларга ажратилган ҳолда ўрганилди:

1) Туркистон Мухториятигача бўлган давр.
2) Туркистон Мухторияти даври.
3) Туркистон Мухториятидан кейинги давр.

5. Ғулом Зафарий шеърларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари жадидона руҳга эга бўлиб, илм-маърифатга, миллий мустақиллик учун курашга даъват, халқ оғзаки ижодининг илғор анъаналарини адабиётга олиб киришга интилиш шоир шеърий ижодининг қимматини белгиловчи омиллардир.

6. 20-йиллар ўзбек адабиётида саҳна асарлари салмоқли ўринни эгаллайди. Фитратнинг тарихий мавзудаги драмалари, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг қатор драма ва комедиялари бу даврда машҳур бўлди. Ўзбек адабиёти тарихидаги, хусусан, драматургиядаги яна бир янгилик Ғулом Зафарий номи билан боғлиқдир. Демоқчимизки, Ғулом Зафарий биринчи ўзбек мусиқали драмасини ёзган ижодкордир.

Унинг драматург сифатидаги фаолиятини қуйидагича хулосалаш мумкин:

а) Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» асари биринчи ўзбек мусиқали драмаси бўлиб, у ғоявий-бадиий мукаммаллиги ва халқчиллиги туфайли ўз даврида катта шуҳрат топди;

б) драматург «Ҳалима» орқали «ўзбек саҳнасида бирдан-бир ўзбек ҳаётининг энг қаттиғ фожеаси, энг кулгу ўринлари, энг аҳмоқларча тўй-томошаси»ни (Чўлпон тавсифи) кўрсатиб берди.

в) ушбу мусиқали драманинг юзага келиши билан унутилиб бораётган халқ куйлари маданий ҳаётимиздан яна кенг ўрин ола бошлади; Ғулом Зафарий театр ва мусиқа санъатларининг ўзаро уйғунлашувига ҳисса қўшди.

г) Ғулом Зафарийнинг дастлабки кичик саҳна асарлари жуда содда, болаларга мўлжаллаб ёзилган, илм-маърифат ғоясини илгари сурган асарлар эди. Айни чоқда Ғулом Зафарий ўша саҳна асарлари билан ўзбек болалар драматургиясига асос солди.

7. Асримизнинг дастлабки чорагида фаолият кўрсатган зиёлилар олдида илмий-адабий муҳитни юзага келтириш, адабий меросимизни тадқиқ ва тарғиб этиш, замонавий адабиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, адабий жараённи кузатиб бориш ҳамда халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ илмий тадқиқотлар яратиш қаби қатор муҳим вазифалар ҳам турар эди. Бу вазифалар ижроси йўлида Фитрат, А. Саъдий, Вадуд Маҳмуд, Ғози Олим Юнусов, Элбек, Отажон Ҳошим ва бошқа шу каби зиёлилар жиддий фаолият кўрсатдилар. Қатор илмий муаммоларни ечишда, хусусан халқ театри ва

мусиқасига доир ишларни бажаришда Ғулом Зафарий ҳам фаоллик кўрсатди. У халқ театри ва мусиқа тарихига оид махсус илмий мақолалар эълон қилди. Ўша мақолаларида театрнинг санъат тури сифатида халқимиз орасида қадимдан мавжуд бўлганлиги ва «шу томошалар ўзбекларнинг илгариги тараққийсига кўп ёрдам берган»лигини (Ғулом Зафарий таъбири) далиллар ва мисоллар билан кўрсатиб берди ҳамда замонавий театр танқидчилигининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди.

Элбек билан ҳамкорликда халқ қўшиқларини, достон, лапар, оғзаки драмалар, қадимий китобларни тўплаш ва улардан айримларини нашр этиш йўлида фидокорлик қилди.

Яна бир муҳим гап шуки, Ғулом Зафарийнинг саҳна ҳаётига, актёрлик ва режиссёрликка тегишли фаолияти ҳам жуда кенг қамровлидир. Ишда бу масалага ҳам маълум даражада муносабат билдирилди.

Хуллас, Ғулом Зафарий ўзбек адабиёти, хусусан, драматургияси соҳасидаги, ўзбек театршунослиги ва мусиқашунослиги йўналишидаги хизматлари учун миллий адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидан мустаҳкам ўрин олишга ҳақли саймодир.

**Тадқиқот юзасидан қуйидаги мақолалар эълон қилинган:**

1. Иддизлари теран санъат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1997, 28 февраль;
2. Ғулом Зафарийнинг илк адабий-ижтимоий фаолияти // 1997, 6-сон, 49-51 бетлар, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали;
3. Шарқ, илоҳий Шарқ... (Ғулом Зафарий ва мусиқа маданияти) // Гулистон, 1998, 3-сон, 54-55 бетлар;
4. Ғулом Зафарий- ўзбек адабиётининг йирик намояндаси // Адабиёт кўзгуси. Ўзбек адабиёти тарихидан тадқиқот ва материаллар илмий тўплами. -Т.; 1998, 4-сон, 160-161 бетлар ва ҳ.к.



## Резюме

диссертации О.Д . Усманова "Творческий путь Гуляма Зафари"

Настоящее исследование посвящено анализу литературного наследия и жизненного пути Гуляма Зафари, а также в диссертации уделено внимание изучению очень противоречивого, сложного периода узбекской литературы - начиная с 1910 до 30-х годов.

Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении обосновываются актуальность темы, освещается история изучения вопроса, формулируются цель и задача исследования, характеризуются научная новизна, научно-теоретическая значимость, определяются теоретико-методологическая основа, указывается источниковая база.

Первая глава диссертации названа " Национальное возрожденческое движение в Туркестане и литературно-социальная деятельность Гуляма Зафари". В ней рассматривается роль литературной среды того периода в жизни Зафари, а также в становлении его личностью и художником.

Литературу 20-годов, а точнее драматургию трудно представить без творчества Зафари. До настоящего времени глубоко не исследовано и не оценено литературное и научное наследие художника творившего в различных жанрах литературы. Гулям Зафари один из тех фигур, которые оставили яркий след своим творчеством в духовной и социальной жизни узбекского народа в начале века.

Во второй главе ("Драматическое творчество Гуляма Зафари") изучены первые шаги Зафари в драматургии, его малые сценические произведения, а драма "Халима" подробно исследована.

Зафари был одним из представителей нового узбекского театра. Музыкальная драма "Халима" была новостью не только для узбекской драматургии, но и для сцен узбекского театра тоже.

В третьей главе диссертации озаглавленной "Стихотворные и научные произведения Гуляма Зафари" исследованы поэтическое творчесво, научные труды по театроведению, музыковедению и фольклору. В их основе доказаны роль Гуляма Зафари в развитии национальной культуры и литературы в 10-30-х годов XX века.

В заключении даются теоретические и практические выводы исследования.

## SUMMARY

The dissertation paper of Usmanov O.D. on the topic "The creative way of Gulyam Zafary" is devoted to the study of literary heritage and the life of Gulyam Zafary. The dissertation paper shared out with the study of very contradictory and difficult period of Uzbek literature from 1910 till 1930.

The dissertation paper consists of introduction, three chapters, conclusion, and the list of used literature.

In the introduction the actuality of the theme, the history of the question's study, formulation of investigation's aim and task, characterization of scientific novelty, scieno - theoretical significance, definition of theoro - methodological basis, and the indication of original base are given.

In the first chapter which is named "National regeneration movement in Turkistan and socio - literary activity of Gulyam Zafary" the role of literary enviroment of the period of Zafary's life, and his becoming as personality and painter are studied.

You can't imagine literature, exactly the playwrighting of 20's without the creations of Zafary. Till present the literary and scientific heritage of painter is has been not investigated. Gulyam Zafary is one of the personalities, who remained the bright mark in spiritual and social life of Uzbek nation with his creation at the beginning of centure.

The second chapter ( "Drammatic creation of Gulyam Zafary") investigates the first steps of Zafary in playwrighting, his small stage works, but his dramma "Khalima" was investigated in details.

Zafary was one of the representatives of new uzbek theatre. The uzbek dramma "Khalima" was new not only for uzbek playwrighting, but for the uzbek theatre too.

In the third chapter, which is named "Poetical and scientific works of Gulyam Zafary" poetical creation, scientific works for theatre, music and folk-lore are investigated. The role of Gulyam Zafary in development of national culture and literature of 1910 - 30's of XX centure is showen on the basis of his works.

The investigation of theoretical and practical inferences is given at the conclusion.

Р. — Подписано к печати 11.08.99

Зак.— III- 1848 Тираж 120 1999 г. 08175

Отпечатано в АП ТПК

Ташкент, Навои, 30.